


UZA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ
(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

2022 ЙИЛ МАЙ

ТОШКЕНТ – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр
2022 йил май ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов

Қ.Ш.Омонов

А.С.Сагдуллаев

С.С.Ғуломов

Ф.Г.Назиров

Р.Д.Курбанов

М.Ҳ.Рустамбоев

Н.М.Маҳмудов

И.С.Саифназаров

Н.Х.Обломуродов

Б.А.Назаров

А.Асқаров

Д.Ю.Юсупова

А.Х.Саидов

Т.Ў.Арипова

Қ.Р.Аллаев

С.М.Туробжонов

Т.Қудратхўжа

Н.А.Хусанов

Г.А.Мардонова

Манзилмиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

Филология

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НИЗОМИЙ ВА УНИНГ «ХАМСА»СИГА
МУНОСАБАТИ**

Илёс Абдуқаюмович ИСМОИЛОВ

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
докторант

Алишер Навоий номидаги
ўзбек тили ва адабиёти университети
ismoilov_iles@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг Низомий Ганжавий шахси ва ижодига муносабати масаласи тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: бадиий ижод, “Хамса”, анъана, адабий таъсир, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, муносабат.

ОТНОШЕНИЕ АЛИШЕРА НАВОИ К НИЗАМИ И ЕГО "ХАМСЕ"

Илёс Абдуқаюмович ИСМОИЛОВ

доктор философии (PhD) по филологическим наукам
докторант

Университет узбекского
языка и литературы имени Алишера Навои
ismoilov_iles@mail.ru

Аннотация

В данной статье рассматривается отношение Алишера Навои к личности и творчеству Низами Гянджеви.

Ключевые слова: художественное творчество, «Хамса» (пятерица), традиция, литературное влияние, Алишер Навои, Низами Гянджеви, отношение.

Хамсанавислик анъанаси такомилли, адабий таъсир ва адабий алоқа ходисаларининг ўзбек мумтоз адабиётида намоён бўлиш хусусиятлари, Навоийнинг ижодий индивидуаллиги каби муҳим масалаларни тадқиқ этиш ва тўла тушуниш учун энг қулай йўл генетик ёндашувдир. «Алишер Навоий ижодкор сифатида Низомий Ганжавий анъаналарини қандай ривожлантирди» деган мураккаб масалага жавоб излашдан олдин «Навоий Низомий шахси ва унинг ижоди, хусусан, «Хамса»сига қандай муносабатда бўлган» деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Навоийнинг бу борадаги асосий хулосалари ўз «Хамса»си таркибидаги беш дoston дебoчасида Низомий Ганжавийга бағишланган махсус бoбларда ва «Насoйим ул-муҳаббат» асарида ўз ифoдасини топган. Булар орқали Навоийнинг Низомий шахси ва ижодига муносабати, хулосалари ва oбъектив баҳoси билан танишиш мумкин.

Алишер Навоийнинг ижодкор сифатидаги хoс фазилатларидан бири устoзлар-у салафларга юксак эҳтиром ва ихлос кўрсатишдир. Навоий бутун

ижодида устозларига нисбатан қатъий ҳурмат позициясида туради ва буни кўплаб асарларида қайта-қайта ифодалайди. Таъкидлаш керакки, Навоий «Хамса»си дебочасидан ўрин олган “устозлар мадҳида”ги боблар фақат мадҳ ёки ҳурмат ифодаси бўлмай, уларда Навоийдек улкан истеъдоднинг адиб ва адабиётга муносабати, адабий-эстетик қарашлари ҳамда муайян ижодкор асарларини чуқур англаш натижасида юзага келган хулосалари акс этган. Навоий эътироф этган ва ҳурмат қилган ана шундай буюк шахслардан бири Низомий Ганжавий бўлиб, Навоий у ҳақда, асосан, ўз «Хамса»си таркибидаги дostonларда махсус тўхталган. Навоий ўз «Хамса»си таркибидаги беш дoston дебочасига Низомий Ганжавий (шунингдек, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомийлар)га бағишланган махсус бобларни киритди. Аввало, Навоийнинг масалага бундай ёндашуви хамсанавислик анъанаси тарихида оригинал ходиса эди. Нима учун бу каби «мадҳ боблар» айнан Навоий «Хамса»сида пайдо бўлди ва шоир нима мақсадда бу бобларни ўз асарига мунтазам равишда киритди? Дастлабки саволга жавоб шуки, Навоий даврига келиб хамсанавислик тўлиқ анъана тусини олган ва ушбу анъананинг эътироф қозонган намоёндалари Низомий ва Хусрав эди. Айни мана шу ҳолат, яъни Навоий даврига келиб хамсанавислик анъанасининг муайян тарихга эга бўлиб улгуриши – бу каби *мадҳ бобларнинг* Навоий «Хамса»сида пайдо бўлишига замин яратди. Низомий, Хусрав ва Жомий хамсаларида бундай анъанавий бобларнинг учрамаслиги ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Иккинчи саволга қисқа жавоб шуки, Навоий Низомий ва Хусравнинг издоши ўлароқ, улар томонидан асос солинган анъанага эргашиб, рақобат қилиш мақсадида туркий тилда биринчи «Хамса»ни яратишга аҳд қилган эди, бинобарин, туркий китобхонга мазкур анъана тарихи ва унинг асосчилари ҳақида тасаввур бериш, улуғ устозлар олдидаги масъулият, уларнинг эътирофи-ю ҳурмати, холис ихлосни муносиб изҳор этиш мақсадида Навоий ўз «Хамса»сига мана шундай бобларни киритган. Қолаверса, Навоий бундай боблар орқали устозларининг ижодини баҳолашга ҳаракат қилади, уларнинг ижодига оид хулосаларини ва мана шу жараёнда ўз адабий-эстетик қарашларини баён қилади. Шу боис ушбу бобларни фақат «мадҳ» сифатида қабул қилиш ўзини оқламайди.

Хамсанависликда Навоийга қадар анъанавий бўлмаган бундай боблар дебоча композициясининг қайси қисмидан ўрин олиши ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Низомий ва Хусрав хамсаларидаги ҳукмдорлар мадҳи, асосан, дostonнинг ёзилиш сабабларидан олдин келади. Бу ҳолат Навоий дostonларида ҳам такрорланган, бироқ салафлар ёди, устозлар мадҳи уларнинг ижодига муносабат масаласи бироз ўзгача ёндашишни талаб этарди. Хамсанавислик анъанаси доирасида яратилган маснавийларнинг дебочалари композицияси содда ёки тарқоқдек туюлса-да, моҳиятан узвийлик ва мантиқийлик принципларига таянади. Масалан, Тавҳид ва Муножот ҳамдда *яратувчи* ҳақида сўз борса, Васф ва Меърож наътларда *яратилиш сабаби* тўғрисида сўз юритилади. Дебоча композициясининг бир қисми (назарий қисм дейиш мумкин) мана шу ерда ниҳоясига етади. Бу қисм шарқдаги аксарият маснавийларда қонуний тус олган, у албатта тасвирланади, шу боис бу қисмда

кўпгина типологик ҳолатларни кузатиш мумкин. Бундан сўнг дебоча композициясининг иккинчи қисми (амалий қисм дейиш мумкин) – бевосита масалага, асарга оид фикрлар баёнига ўтилади. Ҳамдларда *яратувчи*, наътларда *яратиш сабаби* ҳақида сўз юритилгач, мантиқан навбат *яратиш воситаси* (сўз)га келади, шу боис ҳамд ва наътдан сўнг сўз таърифидаги боб ўрин олади ёки сўз усталари ҳақидаги боблар келиши ҳам мумкин. Сўз таърифига махсус тўхталишнинг сабабларидан яна бири калом қудрати ва унинг улуғ мартабасига ҳурмат рамзи бўлиб, композицияда сўз таърифидаги бобнинг наътдан сўнг жойлашиши ҳам бу қарашни асослайди. Сўз таърифидаги боб ҳамд ва наът битиш жараёнида юз берган руҳий юксалишдан аста-секин заминий мушоҳадалар, хусусан, салафлар мадҳига ўтишда кўприк вазифасини ҳам бажаради. Шундан сўнг Низомий, Хусрав ва Жомий васф этилиб, уларнинг арвоҳи дуо қилинади, Тангрининг инояти ва ҳидоятига шукрона айтилиб, ўтган ишлар, босиб ўтилган йўл бир-бир ёдга олинади ва асарни ёзиш ҳақидаги муаллиф концепцияси баён қилинади. Сўнгра дебочага ўзига хос якун сифатида замона шоҳи мадҳ этилади, натижада, биринчи бобдаги *Худо* ва охирги бобдаги *зилли Худога* доир фикрлар ўзаро туташиб, дебоча композицияси яхлитлигини таъминлайди. Шундан сўнг асосий қисм тасвири бошланади. Навоий дostonларидаги дебочалар композициянинг мукамал ҳолга келишида асосий омил бўлиб, шубҳасиз, мавжуд тажриба хизмат қилган ёки Навоий асарларидаги мукамаллик ҳамсанавислик тадрижидаги табиий тақозо ҳам эди. Иккинчи омил эса Навоийнинг истеъдоди ва оригиналликка интилишидир. Шунингдек, Навоийнинг тафаккур тарзи, тасвир услубига хос мантиқли, системали ёндашув дебочалардаги боблар тартиби ва тасвирида аниқ намоён бўлган.

Низомий Ганжавийга бағишланган боблар аввало ёднома ва мадҳ характериға эға бўлгани боис уларда Навоийнинг Низомийға муносабати мутлақо ижобий, Навоий бирор ўринда Низомийни танқид қилмайди, камчиликларни кўрсатмайди ва унинг асарлари ёки қарашларига эътироз билдирмайди. Навоий «*Ҳайрат ул-аброр*» дostonининг XII боби сарлавҳасида шундай ёзади: «*Ҳазрати Шайхи Низомий мадҳидаким, назм мулкида зўрбозу сарпанжаси била панж ганж нуқуд-у жавоҳирин олди*». Сарлавҳадан бобнинг мазмуни ва мундарижасини тасаввур қилиш мумкин, яъни Навоий Низомийни фақат эътироф этиш йўлидан боради, шунингдек, уни назм мулкида (шеърятда, адабиётда) кучли ижодкор сифатида тан олади ҳамда асосий эътиборни Низомийнинг «*Хамса*»сига қаратади. Сарлавҳадаги айни мана шу тезислар бобнинг асосий қисмида кенгайган ва тафсилотлар билан бойитилган ҳолда бадиий тасвирланади. Навоий «*Хамса*»сидаги Низомий мадҳига бағишланган бобларни кузатиш шу ҳолатни кўрсатдики, уларда, асосан, Низомийнинг мадҳи, шахсияти, «*Хамса*»си, бадиий маҳорати ҳақида сўз боради. Навоийни ушбу тўрт масала кўпроқ қизиқтирган, шу боис аксар фикрлар мазкур масалалар доирасида баён қилинади.

Низомий мадҳи борасида Навоийнинг «эътироф» позицияда туриши ва асосан «*Панж ганж*»ни тавсифлаши табиий эди. Биринчидан, Низомий

ижодкор сифатида бунга муносиб эди, иккинчидан, одатга мувофиқ ўтганлар ёди яхшилик билан эсланади, учинчидан, Навоийда Низомийга нисбатан ижобий муносабат мавжуд эди. Навоий томонидан Низомийнинг бошқа асарлари эмас, айнан «Панж ганж»ининг тавсифланиши эса бевосита ёзилаётган асар билан алоқадор бўлиб, Навоий «Хамса» ёзаётгани учун кўпроқ Низомий «Хамса»сини тилга олади, унга оид хулосаларини баён қилади. Навоий дostonларига Низомий ҳақида алоҳида бобларнинг киритилиши ҳам бевосита «Хамса» ёзилаётгани билан алоқадор эди. Навоий Низомийни қойилмақом тарзда мадҳ қила олган. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»нинг Низомийга бағишланган XII бобида бу борада шундай ёзади:

*Хайли фасоҳат бошининг афсари,
Ганжи яқин афсарининг гавҳари.
Кони фазилат гуҳариға амин,
Баҳри балогат аро дурри самин [6; 34].*

Яъни, (Низомий) шоирлар бошининг тожи, балки ҳақиқат хазинасидаги тожнинг гавҳаридир! У фазилат конининг гавҳарига посбон ва балогат (бадий маҳорат) баҳрининг тубидаги қиймати баланд дурдир!

Мазкур икки байтдаги Низомий мадҳи фонидан Навоийнинг бир неча қарашлари ҳам акс этган. Дастлабки байтнинг «*Хайли фасоҳат бошининг афсари*» мисраси, гарчи муболаға билан бўлса ҳам, Навоий Низомийни ижод аҳли, шоирлар султони ёки шундай мавқедаги шахслардан бири деб тасаввур қилганини кўрсатади. «*Ганжи яқин афсарининг гавҳари*» жумласи эса юқоридаги фикрни янада бўрттириб, конкретлаштириб келган ва унда Навоийнинг Низомий ижодининг мазмуни, маърифати ҳақидаги тасаввурлари мужассам. Яъни Навоий бу мисрада Низомийни ҳақиқат, маърифатни куйлаган ижодкорлардан деб билиши акс этган. Дарҳақиқат, Навоий “Насойим ул-муҳаббат” номли асарида Низомийни шайхлар, авлиёлар қаторида зикр этар экан уни Ҳақ маърифатини куйлаган ижодкор сифатида баҳолайди [1; 469-471]. «*Кони фазилат гуҳариға амин*» жумласида Низомийни фазилат соҳиби деб билиши ўз ифодасини топган бўлса, «*Баҳри балогат аро дурри самин*» мисраси эса Навоий Низомийни бадий маҳорат борасида нодир истеъдод соҳиби деб билганини англатади. Шу тариқа Навоий турли ташбеҳлар воситасида Низомийнинг *султон ул-шуаро, ҳақиқат аҳли, фазилат соҳиби* ва *моҳир ижодкор* эканини бадий тасвирлаб боради.

«Лайли ва Мажнун» таркибидаги Низомийга бағишланган V бобнинг сарлавҳасида ҳам шоир мадҳининг ўзига хос намунаси яратилган: «*Ганжа ҳакими таърифидаким, ганжи Қорун анинг «Панж ганж»и қошида ганж олида вайронадек кўрунгай — ганжфишонлиқ қилмоқ*» [2; 662]. Мазкур бадий тасвирларда мазмундан ташқари эътиборни тортадиган асосий жиҳатлардан яна бири *таносуб*нинг юксак маҳорат билан қўлланишидир. Бу масалага тўхталишдан олдин қайд этиш керакки, Навоий салафлар ёдига бағишланган – Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий мадҳидаги бобларда ўзига хос таносуб намуналари учрайди. Низомий мадҳидаги бобларда таносуб халқасини «*ганж ва низом*» сўзлари бирлаштириб турса,

Хусрав мадҳида бу вазифани «хусрав ва ҳинд» сўзлари, Жомий мадҳида эса «жом ва май» сўзлари бажаради. Ушбу таносуб мавзулари (ёки образлари) юқорида номлари зикр этилган уч ижодкор мадҳидаги бобларни тушунишда калит вазифасини ўтайди, чунки Навоий айна мавзудаги таносублар воситасида уч ижодкор ва уларнинг ижодига хос хусусиятларни аниқ тасвирлаб беришга интиланган. Масалан, юқоридаги икки байтда айна таносуб маҳорат билан қўлланиб, ажойиб тасвир яратилган, шу билан бирга, Навоийнинг Низомий ҳақидаги тасаввурлари аниқ тасвирланган:

*Хайли фасоҳат бошининг афсари,
Ганжи яқин афсарининг гавҳари.
Кони фазилат гуҳариға амин,
Баҳри балогат аро дурри самин.*

Бу байтларда бош афсар (тож)ни, тож гавҳар (дур)ни, гавҳар ганж (кон)ни тақозо этиб келган. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу таносубдаги асосий сўз «ганж» бўлиб, таносубнинг мазкур сўз билан боғлиқ ҳолда юзага келтирилиши ҳам бежиз эмас. Бу ҳолат, шубҳасиз, шоир туғилган юртнинг номи Ганжа билан алоқадор бўлиб, шоир Низомий шахсиятига доир фикрлари ифодасида бунга очиқ ишоралар беради.

Навоий Низомийнинг шахсияти билан алоқадор масалаларга ҳам тўхталар экан, ажойиб манзараларни тасвирлайди. Масалан, Навоий “Ҳайрта ул-аброр”да конкрет манзил – «Низомийнинг хилвати»ни тасвирлаган. «Хилват» сўзи, одатда, бегоналар кирмайдиган хос макон, киши ёлғиз қоладиган жой маъносида қўлланилади. Навоий «хилват» деганда Низомий кўним топган масканни назарда тутганми, ижодхонаси ёки мазорини назарда тутганми – буни аниқ айтиш қийин, бироқ Навоий аниқ бир жойни ўзи кўргандек тасвирлайди: *хилватининг сувоқларидан анбар ҳиди келади, (у ернинг) тўрт томонида эса саккиз жаннат яширинган; гарчи хилвати кўнгил кулбасидек ихчам бўлса ҳам, унда икки жаҳон жилваланади; у ердаги масжиднинг қандили баланд осмон, у қандилдаги шуъла эса нурли қуёшдир; Каъба уйидан доим унга бир очиқ эшик бор, сажда чоғи бу эшик унга меҳробдек туради* [6;34-35]. Бу Низомий билан алоқадор аниқ бир манзил тасвири, бу манзилга Навоий томонидан фақат «Низомийнинг хилвати» деган изоҳ берилган, лекин уни шахсан кўрган кишидек тасвирлаб берган. Навоий Низомийнинг шахсиятига доир фикрларини давом эттириб шундай ёзади:

*Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжсез,
Хотири ганжур-у тили ганжрез [6; 35].*

Яъни, Ганжа – унинг ватани, кўнгли эса бойликлар кони бўлиб, фикри хазинабон, тили эса ганж тўкувчи (сочувчи)дир. Навоий ушбу байтда *Низомий Озарбайжоннинг Ганжа ўлкасида таваллуд топган ва у нодир истеъдод соҳиби бўлган* деган ҳақиқатни «ганж» сўзига таяниб гўзал бадиий шаклда тасвирлаб берган. Шунга ўхшаш ҳолат «Фарҳод ва Ширин»да ҳам учрайди:

*Анинг бу ганжидин топмай киши ком,
Нечукким ганжпоши ганжаором.*

*Агарчи Ганжада ороми онинг,
Вале ганж узра доим гоми онинг.
Кўнгул кунжин қилиб ганжи маоний,
Оғиз абвоби савтидин ниҳони [5; 283].*

Навоий қалам ҳақида гапира туриб, унинг ичи маънавий ганжларга тўла дейди ва бу ганжлардан баҳра топганлар орасида Низомийдек киши йўқлигини таъкидлайди. Бу ерда ҳам тасвир йўналиши «ганж» сўзи билан боғланиб кетган.

Навоий баъзан Низомий шахси билан боғлиқ муҳим жиҳатлар: дунёқараши, характери ва фазилатларига ҳам аниқ ишоралар бериб кетади. Масалан, «Лайли ва Мажнун»да шундай ёзади:

*Ваҳдат гуҳарин элига олгон,
Узлат камарин белига чолгон.
Маъни ҳарамин мусаххар этган,
Сўз бикрини гарқи зевар этган.
Ҳам Тури фазилат узра Мусо,
Ҳам Қофи қаноат узра Анқо [2; 664].*

Ушбу байтларда Навоий салафи Низомийни ваҳдатдан насибадор, кўп йиллар, асосан, бадий ижод билан шуғулланиб узлатда яшаган, моҳиятдан бохабар, фазилатлар-у қаноат соҳиби бўлган шахс деб билганини англаш мумкин. Навоий Низомий шахсиятининг бу жиҳатлари ҳақида “Насойим ул-муҳаббат”да янада аниқроқ ёзади: “Аларга зоҳирий улум ва расмий истилоҳотдин баҳраи тамом бор эрмиш. Аммо барчадин илик тортиб Ҳақ с. т. га юз келтурубдурлар... Умри гаронмойани аввалдин охирғача қаноату тақво ва узлату инзиво била ўткарибдурлар ва ҳаргиз сойир шуародек хирсу ҳаво ғалабасидин дуне арбобиға илтижо қилмайдурлар... Ва ул назмлар («Панж-ганж» - И. И.) агар зоҳир юзидин афсонадур, аммо ҳақиқат юзидин ҳақойиқ кашфи ва маъруф баёниға баҳонадур... «Искандарнома» тарихики, аларнинг китобларининг охиридур, беш юз тўқсон иккида экандур. Машҳур мундоқдурки, алар сулук айёмида қирқ арбаъин чиқарибдурлар ва тўрт арбаъинни бир дарахт устида чиқарибдурлар. Ҳар ойина бу навъ муфрит риёзатлар тортмағунча бу навъ беш ганжки, аларға насиб бўлубдурки, кўп абёти алфоз жазолатидин ва маъною таркиб салосатидин деса бўлурки, эъжоз сарҳадига етибдур, кишининг илкига кирмак имкон эмас ва умрлари олтмишдин ўтган экандур, валлоҳу аълам” [1; 469-471]. Навоийнинг ушбу фикрлари “Хамса”да ишора қилинган Низомий шахсиятига доир фикрларни кенгроқ изоҳлаши ва бир нечта муҳим жиҳатларни аниқлаштириб бериши билан аҳамиятли. Биринчидан, Навоий Низомийни “қаноату тақво ва узлату инзиво” билан яшаб, умрини ижодга бағишлаган шахс деб билган. Иккинчидан, Навоий наздида Низомий “Хамса”си дostonлари “зоҳир юзидин афсонадур, аммо ҳақиқат юзидин ҳақойиқ кашфи баёниға баҳонадур”, яъни Низомий дostonлари зоҳиран афсонага ўхшайди, аслида эса бу афсоналар ҳақиқатлар баёни учун бир баҳона. Учинчидан, Низомий сулук давомида ҳаддан ортиқ риёзатлар тортгани туфайли “Хамса” ярата олган. Тўртинчидан,

сўзга бойлиги, чуқур мазмуни ва равон услубига таяниб Низомий «Хамса»сини эъжоз мақомидаги асар дейиш мумкин. Кўриниб турибдики, Навоий Низомий шахси ҳақидаги фикрларини унинг ижоди билан бақамти ифодалаган ҳамда Низомий ижодининг бундай баланд мақомга кўтарилишига асосий сабаб унинг юксак шахсияти эканини айтади.

Навоий «Хамса»сида, одатда, шахсиятга доир фикрлардан сўнг Низомий ижодига оид фикрлар баёни бошланади ва бу борада асосий эътибор «Панж-ганж»га қаратилади. Навоий кўпроқ Низомий «Хамса»сининг мазмуни ва унинг бадий қиммати, инсоният учун аҳамияти ҳақида ёзади, лекин баъзан Низомий «Хамса»сининг ёзилиш жараёни, муддатига оид фактларга ҳам тўхталади:

*Низомийки назм аҳли устодидур,
Анинг табъи сўз жинси наққодидур
Ки, бу ганжлардур матои анинг,
Матои неким, ихтирои анинг.
Ҳамоноки элдин канори тутуб,
Ярим қарн заҳмат чекиб, қон ютуб.
Топа олди беш ганж мифтоҳини,
Яна онча вақт этти ислоҳини.
Чу бир қарн давр этти чархи мудир,
Чиқорди бу аъжубайи дилпазир.
Неча тожвардин топиб парвариши,
Иши бу ўтуз йилда эрди бу ши.
Не эл меҳнатидин малоле анга,
Не бу шидин ўзга хаёле анга.
Чиқориб риёзатда қирқ арбаъин,
Бу беш ганж розига бўлди амин [4; 1651].*

Навоий ушбу байтларда қайд этган муҳим фактлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: «Хамса» – Низомийнинг ихтироси, Низомий «Хамса»ни одамларга аралашмай, заҳмат чекиб, ёзганларини бир неча бор таҳрир этиб, шунингдек, бир неча ҳукмдорлар ҳомийлигида ўттиз (30) йил давомида ёзиб тугатган.

Навоий Низомий «Хамса»сининг чуқур мазмуни ва уни идрок этиш машаққати ҳақида ҳам бир неча бор тўхталган:

*Фикрати мизони бўлуб хамсасанж,
«Хамса» дема, балки дегил панж ганж.
Каффайи мизон анга афлок ўлуб,
Ботмони тоши курайи хок ўлуб³.
Тортса юз қарн хирад хозини,
Чекмагай анинг кўпидин озини [6; 35].*

Навоий Низомий «Хамса»сининг қиммати ҳақида сўзлар экан, бирор фикрни жўн баён қилмайди, балки ўз фикрларини ҳайратангез, улкан ташбеҳлар воситасида тасвирлайди, натижада ўқувчида Низомий томонидан яратилган «Хамса»нинг аҳамияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлади.

Масалан, юқоридаги уч байтда Низомийнинг хамсанавислиги ва «Хамса»си ҳақида шундай дейилади: *ақл хазинабонининг тушуниш тарозиси Низомий «Хамса»си, балки «Беш хазина»ни ўлчар экан, у тарозига Осмон палла, Ер курраси ботмон тош бўлса-ю, юз аср тарозида тортса ҳам унинг кичик бир қисмини ўлчаб улгурмайди.* Навоийнинг фикрича, Низомий ёзган «Хамса»ни тушуниш, идрок этиш жуда мушкул ва ҳар кимга насиб этмайдиган иш. Бу асарда бешта маънолар махзани мавжуд бўлиб, ҳар бирини тўлиқ идрок этиш учун инсоннинг умри етмайди. Навоий томонидан Низомий «Хамса»сининг беш хазинага ўхшатилиши, бу хазиналарни ўлчовчи «фикр тарози»сининг палласи Осмон, тоши Ер экани ва ақл тарозибони юз аср тортса ҳам, унинг оз қисмини ўлчай олмаслиги ҳақидаги фикрлар, бир томондан, Низомий «Хамса»си жуда кўп дақиқ маъноларга эгаллиги, уни тушуниш осон иш эмаслигини билдирса, бошқа томондан, шундай асарларни яратган ижодкор нақадар улкан салоҳият, истеъдод соҳиби эканини ҳам англатади. Шундай қилиб, Навоий Низомийнинг ижодкорлиги ва «Хамса»сини қуруқ мақтамайди, балки бу асарни тушуниш машаққатини образли тасвирлаш орқали ҳам Низомийнинг истеъдодини, ҳам «Хамса»сининг қийматини кўрсатиб беришга эришади. Таъкидлаш керакки, Навоий «Сабъайи сайёр»да Низомийни айнан хамсанавис, «Хамса» яратган ижодкор сифатида эътироф этган ва бу билан «Низомий, аслида, «Хамса» ёзган эмас» қабилидаги даъволар ҳақиқатга тўғри эмаслигини айтади [3;905].

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да Низомийнинг сўзлари латофатли экани, унинг ўзи эса турли-туман маъноларни маҳорат билан назм қилишини ҳам қайд этади:

*Хони латойифқа сўзи мунқасим,
Дурри маонийга тили мунтазим.
Нозим ўлуб сўз дури серобига,
Чарх «Низомий» ёзиб алқобига [6; 35].*

Навоий «у маъно дурларини назм қилади, тизади» деган фикрдан сўнг, ушбу фикрларга ҳамоҳанг тарзда шоирнинг таҳаллуси ҳақида тўхталади. Шоирнинг таҳаллусини шунчаки қайд этмай, унга ўзига хос поэтик изоҳ беради. Яъни сўзнинг қимматбаҳо дурларини назм қилгани учун чарх унга «Низомий» деб лақаб қўйган. Таъкидлаш керакки, Низомийнинг асарлари, ижодкорлиги хусусида сўз очилгач, Навоий «*низом*» сўзи воситасида гўзал бадий тасвирлар ярата бошлайди. Низомийнинг ижодкор эканлигини «Низомий» ва «назм» сўзларининг ички алоқадорлиги асосида турли поэтик тафсилотлар билан ифода этади. Навоийнинг ана шундай гўзал бадий кашфиётларидан бири бевосита «Низомий» таҳаллусига асосланган бўлиб, ушбу янги поэтик талқин Навоий томонидан Низомий ижодига берилган оламшумул баҳони акс эттиради. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да шундай ёзади:

*Отики беш ҳарф қилурлар хитоб,
Минг бир эрур айласанг они ҳисоб.
Ушбу адад бирла оти гавҳари,
Ҳақнинг ўлуб минг бир оти мазҳари.*

*Мазҳар этиб чун алифин исми зот,
Ўзга адад ҳарфини исми сифот [6; 35].*

Навоий «Низомий» (نظامی) тахаллусининг арабча ёзилишига ишора қилиб, ундаги беш ҳарфнинг абжад ҳисобидаги миқдорига эътибор қаратади: (ن) — 50, (ظ) — 900, (ل) — 1, (م) — 40, (س) — 10, жами — 1001. Навоий Низомийнинг гавҳардек оти (исми) ушбу адад билан Ҳақнинг 1001 исмига мазҳар бўлди, дейди. «Исми зот» (Аллоҳ) муборак исмидаги «алиф»ни ўзига мазҳар этган бўлса, қолган ҳарфларини «исми сифот» – сифатлари ўзига мазҳар этган. Мазҳар илоҳий нур ёки Ҳақ жамолининг жилваси аксланадиган объект бўлиб, Ҳақ ошиқлари уни кўриб ёки у орқали Ҳақни мушоҳада этишади, яъни у орқали илоҳий ҳақиқатларни идрок қиладилар. Модомики, шоирнинг «Низомий» исмидаги беш ҳарф Аллоҳнинг зоти-ю сифотига мазҳар экан, ушбу муборак исмининг соҳиби ва у томонидан яратилган асарлар ҳам ана шундай характерга эга. Аллоҳнинг 1001 исми борлиқнинг моҳиятига оид қонуният-у ҳодисалар, сир-синоатни тажассум қилганидек, Низомийнинг ижодида ҳам бутун борлиқнинг сир-синоати, воқеа-ҳодисаларига оид хулосалар, ечимлар ифодасини топган. Яъни Низомий ижодида илоҳий ҳақиқатлар, маърифат куйланган, унда инсониятга яшаш учун дастуруламал мужассам, фақат буни англаш ва ундан тўғри хулоса қила олиш зарур, демоқчи бўлади Навоий. Албатта, «Низомий» тахаллуси ва ундаги беш ҳарф асосида Навоийнинг бундай янги бадий мантиқ яратгани ва шу орқали Низомий ижодининг оламшумул аҳамиятини кўрсатиб берганига қойил қолмасликнинг имкони йўқ. Навоий Низомий ижодига тўхталар экан, албатта, унинг машҳурлиги, ниҳоятда мазмундорлиги ва абадийлигига ҳам эътибор қаратади.

Шу тариқа Навоий Низомийга бағишланган бобларни муайян дастур ва композиция асосида яратади, унда *мадҳ*, *шахсият*, «*Хамса*» ва *хамсанавислик*, *бадий маҳорат* каби тўрт масала муҳим аҳамият касб этади. Барча фикрлар мазкур масалалар доирасида баён қилинади. Таъкидлаш керакки, Навоий Низомий Ганжавийни, аввало, хамсанавис ижодкор сифатида тан олади ва эътироф этади. Навоий учун Низомийнинг ижодкорлиги, хусусан, хамсанавислиги биринчи ўринда туради. Низомийнинг шайхлиги борасида эса фақат «Насойим ул-муҳаббат»да тўхталган.

Буларнинг ҳаммаси Алишер Навоийнинг Низомий ва унинг ижодига оид қарашлари ҳақида эди. Навоий ижодида шундай ўринлар ҳам борки, унда Низомий Навоий тўғрисида ўз фикрларини баён қилади. «Садди Искандарий» хотимасида Навоий ўз «Хамса»сини яқунлаб, устози Абдурахмон Жомийнинг хузурига олиб бориши лавҳаси тасвирланади. Жомий шогирдининг «Хамса»сини варақлар экан, унга бот-бот таҳсинлар айтади ва эътироф маъносида қўлини Навоийнинг елкасига қўяди, шунда Навоий бир лаҳзага хушини йўқотиб, ўзини шарқнинг буюк маснавийнавислари: Низомий, Хусрав, Жомий, Саъдий, Фирдавсий, Унсурий, Санойй, Ҳоконий, Анварийлар зумрасида кўради. Давранинг тўрида Низомий, ўнг томонида Хусрав Дехлавий ва чап томонида Абдурахмон Жомий ўтирар эди. Навоий

мажлисдагилар билан бир-бир кўришиб бўлгач, Жомий ва Хусрав Навоийни Низомийнинг ҳузурига олиб боради. Низомий унга қарата шундай дейди:

*Талаттуф била Шайхи олий мақом,
Менинг сори бунёд қилди калом...
Ажаб иш бу ишда санга берди даст
Ки, эл назмига берди назминг шикаст...
Не дурким бериб Ҳақ Таборак санга,
Умид улки, бўлгай муборак санга...
Вале мунча ганжи маоний санга
Ки, Ҳақ рўзи этти ниҳоний санга.
Қаю эрдаким айни бинишдурур,
Сабабни билурким, ики ишдурур.
Бири улки туттунг тариқи ниёз,
Қабул айладилар сени аҳли роз.
Ишингга қилиб саъй рағбат била,
Мадад қилдилар борча ҳиммат била.
Яна улки фазл аҳли ҳарне қилур,*

Урар лоф-у ишни мураббий қилур [4; 1657-1659].

Албатта, Низомий томонидан Навоий «Хамса»сининг юксак баҳоланиши, Навоий ёзган асарларни «*эрмас ишинг одамизод иши*» тарзида эътироф этилиши, гарчи Навоий буни интуитсия орқали тасаввур қилган бўлса ҳам, ҳақиқат эди. Низомий эътирофининг Навоий томонидан ғойибона ҳис этилишига бевосита Жомийнинг Навоий «Хамса»сига берган юксак баҳоси асос бўлиб хизмат қилган. Шарқнинг буюк маснавийнавислари бўлган Низомий, Хусрав ва Жомийлар тилидан келтирилган Навоий «Хамса»сига оид эътирофлар, аслида, ўзига хос яширин фахриялар бўлиб, биргина Жомийнинг олқишлари реал воқелик эди, қолган эътироф-у мадҳлар Жомий таъсирида юз берган ўз-ўзига фахриялар ифодасидир. Қисқаси, юқоридаги шоирлар давраси тасвирида, Низомий тилидан келтирилган эътирофларда Навоий ижодкор сифатида ўзини буюк хамсанавислар зумрасига кира олган, уларга муносиб издошлик қила олган, шарқнинг энг иқтидорли маснавийнавислари сирасига кирувчи, эътироф этилган ижодкор деб билиши ва хамсанавислик борасида ўздан қониқиш ҳосил қилгани акс этган. Дарҳақиқат, Навоий хамсанавис, маснавийнавис сифатида сафларига муносиб издош бўла олди ва улар асос солган, яратган анъаналарга таяниб, янги-янги асарлар ижод қилди, кўпгина мавзу ва масалаларда уларнинг ишларини ривожлантирди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий, Алишер. Насойи ул-муҳаббат. МАТ. 17 т. //Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова.– Тошкент: Фан, 2001. – 590 б
2. Навоий, Алишер. Хамса. Лайли ва Мажнун. //Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, 1958. – 878 б.
3. Навоий, Алишер. Хамса. Сабаъи сайёр. //Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, 1958. – 1196 б.

4. Навоий, Алишер. Хамса. Садди Искандарий. //Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, 1958. – 1662 б.

5. Навоий, Алишер. Хамса. Фарҳод ва Ширин. //Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, 1958. – 642 б.

6. Навоий, Алишер. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. //Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, 1958. 264 б.

МУНДАРИЖА

Инновацион зоялар ва ишланмалар

- Н.ОБЛОМУРОДОВ.** Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонлик жангчиларнинг жанг майдонларида кўрсатган жасоратлари.....3
- У.ҲАМДАМОВ.** XX аср ўзбек шеърларида ижтимоий мавзу тадрижи.....10

Иқтисод

- З.Т.МАМАДИЯРОВ.** Банкларни трансформация қилиш шароитида банк хизматларини масофадан кўрсатиш тизимларининг методологик асослари.....17
- Ғ.А.САФАРОВ, С.Ш.РАИМБЕРДИЕВ.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш механизмини такомиллаштириш.....29
- А.Т.МАМАЖОНОВ. М.Н.НУМАНЖОНОВ.** Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг вазифалари ва объектлари.....38
- З.Х.МАККАМОВ.** Божхона аудитида имтиёزلарни назорат қилиш механизмини такомиллаштириш масалалари.....45

Юридик

- С.А.ГАФУРОВА.** Зарубежная практика осуществления консульской защиты.....53
- Ж.А.ИБРОҲИМОВ.** Хорижий мамлакатларда шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари.....61
- Ш.М.САИДОВ.** Хорижий мамлакатлар прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили.....67
- Ж.Ў.ХОЛБАЕВ, Д.А.ЛАПАСОВ.** Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида Олий Мажлиснинг тутган ўрни.....73
- А.Я.ЯШНАРБЕКОВ.** Юридик-техник нормалар тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий табиати80
- А.Б.АКИМОВ.** Кибержиноятларни тергов қилиш ва расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш.....89
- Р.М.ҚУРБОНОВ.** Хорижий ва миллий ҳуқуқда “ULTRA VIRES” доктринаси: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.....96

Филология

- И.А.ИСМОИЛОВ.** Алишер Навоийнинг Низомий ва унинг «Хамса»сига муносабати.....115
- Ш.А.ҚАҲХОРОВА.** Фано мақомида юз берадиган ҳоллар талқини.....126
- А.Й.МАҲМУДОВ.** Диний бағрикенгликнинг қиёсий таҳлили (Г.Э.Лессинг ва Э.Воҳидов ижоди мисолида).....132
- Н.Н.СУЛТОНОВА.** Ўзбек романларида бадиий модификация кўринишлари140